

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019. Tar.02.10 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎХТАЕВА РАЪНО НОРТЎХТАЕВНА

**СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ПУЛ ИСЛОҲОТЛАРИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТИ
(1917-1970 ЙИЛЛАР)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Тўхтаева Раъно Нортўхтаевна

Совет ҳокимиятининг пул ислохотлари ва Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий ҳаёти (1917-1970 йиллар).....5

Тухтаева Раъно Нартухтаевна

Денежные реформы Советской власти и социальная жизнь населения Узбекистана (1917-1970 годы)..... 23

Tukhtaeva Rano Nartukhtaevna

Monetary reform of the Soviet government and social life of the population of Uzbekistan(1917-1970) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019. Tar.02.10 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎХТАЕВА РАЪНО НОРТЎХТАЕВНА

**СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ПУЛ ИСЛОҲОТЛАРИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНING ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИ
(1917-1970 ЙИЛЛАР)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2018.3.PhD/Таг339 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samdu.uz) ва Ziyonet Ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Алимova Дилорам Агзамовна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Набиев Фарҳод Ҳамидович
тарих фанлари доктори, профессор

Хайриддинов Азамат Ботирович
иктисод фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Тошкент молия институти

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019. Таг.02.10. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «06» 08 соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (99866) 239-11-40, (99866) 239-18-92; Факс: (99866) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (33 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй). Тел: (99866) 239-11-40, (99866) 239-18-92; факс: (99866) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2021 йил «17» 07 кунда тарқатилди
(2021 йил «17» 07 даги 8 рақамли реестр баённомаси).



М.М. Нехоқов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор.

О.Ж. Прискулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
фалсафа доктори (PhD), тар.ф.б.

И.М. Саидов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тарихида иқтисодий соҳа ва унинг таркибий қисми бўлган молия ва пул муомаласи масаласи долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ҳар бир мамлакатнинг мавжуд маблағлари иқтисодий ўсишини таъминлашда пул ислоҳоти муҳим ўрин тутади. Советлар даврида ўтказилган пул ислоҳотлари, нафақат иттифоқ аҳолиси, балки Европа ва Осиёнинг бир нечта давлатлари ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, дунёдаги кучлар нисбатини шаклланишига ва жаҳоннинг геосиёсий ҳолатига бевосита таъсир кўрсатган эди. Эндиликда, дунё мамлакатларининг барқарор ижтимоий, иқтисодий ривожланишида халқаро ҳамкорлик дастурларининг аҳамияти катта бўлиб, 2015 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадлар»и шулар сирасидан муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирда дунёнинг ривожланган халқаро илмий тадқиқот марказлари ва университетларида молия тизими ва пул муомаласини ўрганиш борасида бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, давлат бюджети, даромад ва харажат, пул бирликлари, пул ислоҳоти, инфляция жараёнлари, валюта сиёсати, кредит тизимининг мамлакат молия тизимига таъсири каби масалалар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари бўлган Berkley Roundtable on the International Economy (АҚШ), University of Cambridge (Англия), Centre for Economic Performance (London School of Economics) (Англия), University of Bristol (Англия), IESEG School of Management (Франция), Иқтисод ва молия институти (Россия) кабиларда алоҳида эътибор берилмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш ва пул ислоҳотини амалга ошириш, миллий валюта сиёсатини либераллаштириш, пул муомаласини янада такомиллаштириш юзасидан кўпгина тадбирлар олиб борилмоқда. «Иқтисодий ислоҳотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш. Ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришиш назарда тутилади»¹. Ўзбекистонда молия сиёсати ва пул муомаласи масаласининг тарихий таҳлили фан соҳасидаги асосий муаммолардан бўлиб, булар жумласига совет давлати пул ислоҳотларининг Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётига кўрсатган таъсири масаласини кўрсатиш, 1917-1970 йилларда совет ҳокимиятининг пул ислоҳотлари ва Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий ҳаётини аниқ ва изчиллик билан манбалар асосида ёритиб бериш илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 30 декабрь, №276 (7778).

«Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва тизим фаолиятини такомиллаштиришга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Молия соҳаси тарихи тарихшунослик фанида энг кам ўрганилган йўналишлардан бири ҳисобланади. Жумладан, совет даврида амалга оширилган пул ислоҳотлари ва унинг ўзига хос жиҳатлари, натижалари таҳлиliga бағишланган ишлар кўлами ҳам унчалик катта эмас. Мавжуд адабиётларни уч гуруҳга ажратган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ.

1. Совет даври адабиётлари.
2. Мустақиллик даврида нашр этилган тадқиқотлар.
3. Хорижлик муаллифларнинг асарлари.

Биринчи гуруҳга оид адабиётлар гуруҳида, жумладан, Туркистонда пул муомаласи масаласи В.Русинов ва М.Марковичлар тадқиқотида ўрин олиб, пулнинг турлари, унинг иқтисодиётни ривожлантириш ёки инкирозли ҳолатни келиб чиқишидаги ўрни, Туркистон ва Бухоро бозорларида пулларнинг қўлланиш кўлами, кадрсизланиш сабаблари ёритилади¹. XX асрнинг 20-40-йилларида ушбу масала билан шуғулланган И.О.Шлейфер, Д.А.Лоевецкий, Г.А.Марьяхин, Э.З.Атлас, А.Д.Гусаков, Г.А.Козлов, И.Димшиц, В.Славний, Г.П.Косяченко каби тадқиқотчиларнинг ишларида² совет давлати пул сиёсати муаммолари, пул ислоҳотини ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирлар, валюта сиёсати масалалари ўрин олган. Шунингдек, С.П.Фортинский, В.Батирев, А.Лузиков, Л.А.Рубанов, И.Т.Спасский, В.С.Куликов, Ф.Расулов, В.Муродхўжаев каби муаллифларнинг совет пул

¹ Русинов В. Наше денежное обращение // Народное хозяйство Туркестана. – 1919 год, 22 июнь. – №11; – С. 3-5; Маркович М. Золотая валюта в наши дни // Народное хозяйство Туркестана. – 1919 год, 9 ноябрь. – №31. – С. 1-3; Ўша муаллиф: Наши Туркестанские боны // Народное хозяйство Туркестана. – 1919 год, 16 ноября. – С. 1-2; Днипров А. Налоговая политика и денежное хозяйство // Народное хозяйство Туркестана. – 1919 год, 21 декабрь. – №37, – С. 1-3; Андреевич П. Финансы Туркестана // Народное хозяйство Туркестана. – 1920 год, 15 январь. – С. 23-24.

² Шлейфер И.О. Денежная реформа. – М., 1924. – 70 с.; Лоевецкий Д. Валютная политика СССР. – М., 1926. – 28 с.; Денежное обращение и кредитная система Союза ССР за 20 лет. – М.: Госфиниздат, 1939. – 348.; Атлас Э.З. Очерки по истории денежного обращения в СССР (1917-1925). – М.: Госфиниздат, 1940. – 248 с.; Гусаков А.Д. Очерки по денежному обращению России. – М., 1946. – 124 с.; Козлов Г.А. Теория денег и денежное обращение. – М.: Госфиниздат, 1946. – 296 с.; Дымшиц И., Славный В. Историческая реформа 1947 г. и отмена карточек на продовольственные и промышленные товары // Советские финансы. – 1947. – № 12. – С. 15-21; Косяченко Г.П. Советская денежная реформа // Народное хозяйство СССР. – 1948. – № 2. – С. 107-125 и др.

тизими ва унинг аҳоли ижтимоий ҳаётига таъсири ҳақидаги йирик асарлари¹ ҳам муҳим аҳамиятга эга. Совет давлати пул монополиясининг моҳияти ва тамойиллари, бозор муносабатларидан социалистик ҳўжалик бошқарувига ўтилиши масалалари К.А.Диденко, А.Т.Махарадзе, И.П.Айзенбергларнинг тадқиқотларида² иқтисодий нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

Иккинчи гуруҳ тадқиқотларида мустақиллик йиллари Ўзбекистонда илм-фан ривожини учун кенг имкониятлар яратилиши, шунингдек, бозор муносабатларига ўтилиши муносабати билан иқтисодиётга кучли эътибор қаратилиши боис, пул муомаласи, кредит ва молия масалаларига доир қатор ишлар кўплаб нашр этилди³. Уларда пул назарияси, пулларнинг келиб чиқиш тарихи ва моҳияти, унинг вазифалари, кредит моҳияти, инфляция ҳамда унинг шакллари ва турлари, юзага келиш сабаблари, инфляциянинг ижтимоий оқибатлари каби масалалар таҳлил этилади.

Учинчи гуруҳ ишлар орасида россиялик мутахассислар томонидан пул муомаласи ва ҳозирги замон шароитида уларнинг моҳияти, сохта пуллар муаммоси, инқироз ва инфляция, пул ва кредит тизими атрофлича ўрганилган бўлиб⁴, булар жумласига С.С.Родионов, Ю.А.Бабичева, Т.Я.Сокольников, А.В.Егоркин, Г.Вермуш, И.Шешеро, Т.Царевская,

¹ Фортинский С.П. Описание советских монет за период с 1921 по 1952 г. // Труды ГИМ. – 1955. – Вып. XXV. – Ч.1. – С. 132-184; Батырев В. Денежные обращения в СССР. – М.: Госфиниздат, 1959. – 159 с.; Лузиков А., Советский рубль. – Калининград, 1960. – 32 с.; Рубанов Л.А. Деньги и денежная система СССР. – Минск, 1961. – 34 с.; Спасский И.Т. Русская монетная система. – Л., 1970. – 256 с.; Денежное обращение и кредит СССР. – М.: Финансы, 1976. – 366 с.; Денежное обращение и кредит СССР (под ред. проф. А.Я. Ротлейдера). – М., Финансы, 1979. – 320 с.; Куликов В.С. Финансы и дальнейший подъем благосостояния советского народа. – М.: Финансы, 1979. – 160 с.; Расулов Ф. Рост доходов и покупательской способности населения Узбекистана // Экономика и жизнь. – 1966. – № 2 февраль. – С. 76-79; Муратходжаев В. Хозяйство и денежное обращение // Экономика и жизнь. – 1966, февраль. – № 2. – С. 9-12; Ўша муаллиф: Добрые приметы // Экономика и жизнь. – 1968. – № 12. – С. 22-24; Карнаухова Е. Экономическая реформа в сельском хозяйстве и товарно-денежных отношениях // Экономика и жизнь. – 1967. – № 8. – С. 6-17.

² Диденко К.А. Денежная реформа в СССР в 1947 г и ее влияние на дальнейшее развитие народного хозяйства: Автореф. дисс... канд. экон. наук. – М.: МГУ, 1953. – 21 с.; Махарадзе А.Т. Денежные реформы в СССР (1922-1924 гг. и 1947 г.): Автореф. дисс...канд. экон. наук. – Москва: ИЭАН СССР, 1953. – 22 с.; Айзенберг И.П. Развитие валютной системы Советского Союза: Автореф. дисс... докт.экон.наук. – Москва, 1960. – 34 с.; Пулатова М., Переход Туркестанской АССР к новой экономической политике (1921-1922): Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1968. – 18 с.; Насриддинов М., Местные бюджеты и их роль в хозяйственном и культурном строительстве: Автореф. дисс... канд. экон. наук. – Ташкент, 1975. – 22 с.; Водомеров Н.К. Непосредственно общественное социалистическое производство и деньги: Автореф. дисс... канд. экон. наук. – М., 1980. – 24 с.

³ Султонов О., Мўминов М. Мустақиллик ва пул ислоҳоти. – Тошкент: Мехнат, 1992. – 186 б.; Набихўжаев А., Инфляция қисқариб бормоқда // Иқтисод ва ҳисобот. 1995. – №7. – Б. 7-8.; Rashidov O.Y., Toymuhamedov A.R. Karlibayeva R.X. Pul muomalasi, kredit va moliya. – Toshkent: TDU, 2005. – 204 b.; Шодмонов Ш.Ш. Романовский Т.М., Теория денег. – Ташкент: ТГЭУ, 2007. – 164 с.; Rashidov O.Yu., L.I. Alimov, Toymuhamedov, R.R. Tojiyev, Pul, kredit va banklar. – Toshkent, 2011. – 218 b. va boshqalar.

⁴ Родионов С.С., Бабичева Ю.А. Денежно-кредитное регулирование капиталистической экономики. – М.: Финансы и статистика, 1991. – 176 с.; Сокольников Т.Я. Новая финансовая политика: на пути к твердой валюте. – М., 1991. – 336 с.; Егоркин А.В., О сущности денег в современных условиях // Деньги и кредит. – 1991. – № 3. – С. 28-33; Вермуш Г. Афёры с фальшивыми деньгами. – М.: Международные отношения, 1992. – 107 с.; Шешеро И. Беседа об инфляции // Бизнес и банк. – 1992. – № 18. – С.28; Русский рубль. Два века истории. XIX-XX вв. – М., 1994. – 336 с.; Царевская Т. Хроника одной реформы // Знание-сила. – 1997. – № 1 – С. 99-104; Денежная реформа 1947 года: реакция населения по документам из «Особых папок» Сталина // Отечественная история. – 1997. – № 6. – С. 134-140; Голанд Ю. Кризисы разрушившие НЭП. Валютное регулирование в период НЭПа. – М., 1998. – 154 с.; Рязанов В.Т. Экономическое развитие России: реформы и российское хозяйство XIX-XX вв. – СПб, Наука, 1998. – 796 с.; Чуднов И.А. Теория и практика денежных реформ в СССР: Автореф. дисс... докт. экон. наук. – М., 2005. – 42 с.

Ю.Голанд, В.Т.Рязанов, И.А.Чуднов кабиларнинг изланишлари киради. Совет даври пул ислохотлари муаммосига нафақат Россия, балки АҚШ ва Англия каби давлатлар мутахассислари ҳам эътибор қаратди. XX асрнинг 40-йилларининг иккинчи ярмида совет пул кредит тизими масалалари жаҳоннинг йирик сиёсатчилари, иқтисодчилари томонидан маълум даражада ўрганилди. Булар сирасига, Г.Хэзлитт¹, Р.Манделл², Р.В.Дэвис ва А.Ноувлар³, Р.Хатчингс, Г.Гроссман, Баумол, Н.Эберштадт, Д.Бойлларни⁴ киритиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, совет давлатининг иқтисодий ислоҳоти ва молиявий сиёсати, хусусан, Ўзбекистонда пул муомаласи, асосан, иқтисодчи, сиёсатчи ва бошқа мутахассисларнинг эътиборидан жой олган бўлиб, алоҳида ва яхлит ҳолатда муаммонинг тарихий таҳлили амалга оширилмаган. Бу эса, фан соҳасида танланган диссертация мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университети илмий тадқиқоти ишлар режасига мувофиқ №ОТ-Ф8-002 «Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири» (2007-2011 йй.) номли фундаментал тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1917-1970 йилларда Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг пул ислохотлари натижалари ва унинг аҳоли ижтимоий ҳаётига кўрсатган таъсирини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида молия сиёсатининг Туркистон АССР, БХСР ва ХХСР молия тизимига қўлланилишини таҳлил қилиш;

1922-1924 йилларда совет давлатида амалга оширилган пул ислоҳоти ва унинг ўлка пул муомаласига таъсирини ёритиб бериш;

1925-1940 йилларда Ўзбекистон аҳолиси ижтимоий ҳаётига совет молиявий тизимининг таъсирини кўрсатиб бериш;

Иккинчи жаҳон уруши йилларида молиявий ҳаётнинг издан чиқиши ва Ўзбекистон иқтисодий аҳволини очиб бериш;

уруш йиллари аҳоли ижтимоий ҳаётининг ёмонлашувини таҳлил этиш;

¹ Hazlitt H. Lenin Was Right // Newsweek. – 1947. – 22 September. Hazlitt H. Must We Subsidize Socialism? // Newsweek. – 1947. – 24 November. Hazlitt H. Can We Buy Off Communism//Newsweek. – 1947. – 15 December.

² Keep John L.N. Last of the empires. A. history of the Soviet Union 1945-1991. – Oxford, 1995. – P. 23.; Mundell R.A. Reconsideration of the Twentieth Century // Nobel Memorial Prize Lecture 1999, December 8.

³ Davies R.W. The development of the Soviet budgetary system. – Cambridge, 1958. – P. 360.; Jasny N. Soviet industrialisation 1928-1952. – Chicago, 1961. – P. 237.; Nove A. An economic history of the USSR. – London, 1969. – 416.

⁴Hutchings R. Soviet economic development. – Oxford, 1971. – 314 p.; Grossman G. The «Second Economy» of the USSR// Problems of Communism. – 1977. Sept-Oct. – P. 25-40; Baumol W.J. Entrepreneurship: Productive, Unproductive and Destructive // Journal of Political economy. 1990. – Vol 98. – №5; Eberstadt N. The poverty of communism. – New Brunswick. London, Transaction publishers, 1990. – 317 p.; Boyle D. Money Changers: Currency Reform from Aristotle to E-Cash. – Stylus Pub., 2002. – 274 p.

совет давлатининг 1947 йилги пул ислоҳоти ва унинг республика аҳолиси турмушига таъсирини очиб бериш;

1961 йилда амалга оширилган совет пул ислоҳотининг моҳиятини асослаб бериш;

Ўзбекистон аҳолиси ижтимоий ҳаётидаги муаммоларни очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1917-1970 йилларда Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг пул ислоҳотлари ва аҳоли ижтимоий ҳаёти олинган.

Тадқиқотнинг предметини совет ҳокимияти амалга оширган пул ислоҳотлари, унинг Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий ҳаётига кўрсатган таъсири ва оқибатлари таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда хронологик ва қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, тизимлаштириш ва статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

совет ҳокимиятининг дастлабки молия-пул сиёсати даврида кузатилган молиявий тақчиллик ва пул муомаласининг издан чиқиши, асосан, национализация, кадрлар, солиқ соҳаларидаги муаммоларга боғлиқ эканлиги ва бу ўз навбатида, Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига салбий таъсир кўрсатганлиги очиб берилган;

янги иқтисодий сиёсат шароитида Ўзбекистонда бозор муносабатлари ривожига 1922-1924 йиллардаги пул ислоҳоти маълум даражада ёрдам берганлиги, лекин иқтисодиётни марказлаштириш сиёсати оқибатида, қишлоқ хўжалигида товар танқислиги, нарх-навонинг ошиши, рубль курсининг ўзгариб туриши кабилар деҳқонлар қатлами норозилигига сабаб бўлганлиги очиб берилган;

1948-1960 йиллар оралиғида иқтисодий ўсиш шароитида пул муомаласи маҳсулот, иш ва хизмат баҳосининг тушиши каби муаммоларни келтириб чиқарганлиги, бундай берқарор вазият, ўз навбатида, аҳоли ижтимоий турмушининг оғирлашувига олиб келганлиги далилланган;

1960-йилларда ўтказилган пул ислоҳоти республика иқтисодиётининг «турғун» инқирозига маълум даражада таъсир кўрсатиб, бунинг натижасида, савдо инқирози, маҳсулот таннархининг ошиши, чайқовчилик каби муаммолар шаҳар ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражасининг пасайишига олиб келганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

совет ҳокимияти даврида Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларида пул бирликлари ва пул муомаласи ҳолати, унификация жараёни ва тангаларнинг қоғоз пулларга алмаштирилиши тарихий ҳужжатлар асосида далилланган;

Ўзбекистон тарихида совет давлатининг пул ислоҳотига оид сиёсати ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларига оид маълумотлар олий таълим соҳасида Ўзбекистон тарихи фанига киритилган;

Ўзбекистонда совет даврида амалга оширилган пул ислоҳотлари ва унинг натижалари бўйича Ўзбекистон тарихини ўқитиш учун амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА) фондлари, кенг кўламдаги илмий, тарихий асарлар, статистик ҳужжатлар, даврий матбуот материалларидан фойдаланилганлиги, шунингдек, диссертация мавзуси бўйича асосий натижалар республика ва хориж илмий нашрларида, конференцияларда муҳокама қилингани, илмий натижаларнинг эса ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти совет ҳокимиятининг пул ислоҳотлари ва Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий ҳаётига оид жиҳатларни аниқлашга хизмат қилувчи назарий-методологик хулосаларни мукамаллаштириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда ўз аксини топган назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистонда пул муомаласини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тадбирларни ташкил этиш, пул кредит ва банк иши бўйича ўқув машғулотларида, Ўзбекистон тарихидан ўқув қўлланма, дарсликлар ва монографиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 1917-1970 йилларда совет давлатининг пул ислоҳотлари ва Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий ҳаёти бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

совет ҳокимиятининг дастлабки молия-пул сиёсати даврида кузатилган молиявий тақчиллик ва пул муомаласининг издан чиқиши, асосан, национализация, кадрлар, солиқ соҳаларидаги муаммоларга боғлиқ эканлиги ва бунинг натижаси Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига салбий таъсир кўрсатганлигига оид маълумотлардан бакалавриат йўналишида ўтиладиган «Иқтисодиёт таълимотлар тарихи», «Пул ва банклар», «Пул, кредит ва банклар» каби фанларни ўқитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 23 июндаги 89-03-2374-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда 1917-1970 йилларда Ўзбекистонда давлат молия сиёсатининг аҳоли ижтимоий ҳаётига таъсири, пул муомаласи ва молиявий инқирозлар тўғрисида билимларни мустаҳкамлашга хизмат қилган;

1948-1960 йиллар оралиғида иқтисодий ўсиш шароитида пул муомаласи маҳсулот, иш ва хизмат баҳосининг тушиши каби муаммоларни келтириб чиқарган ҳамда 1960 йилларда ўтказилган пул ислоҳоти республика иқтисодиётининг «турғун» инқирозига маълум даражада таъсир кўрсатиб, бунинг натижасида, савдо инқирози, маҳсулот таннархининг ошиши, чайқовчилик каби муаммолар шаҳар ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражасининг пасайиши билан боғлиқ илмий хулосалардан И-ОТ-2019-26 рақамли «Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган ҳиссаси тўғрисида мультимедиа комплексини яратиш» мавзусидаги инновацион лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон

Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 февралдаги 89-03-769-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон тарихини совет давлати пул сиёсатининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга кўрсатган таъсирига оид маълумотлар билан тўлдирган;

янги иқтисодий сиёсат шароитида Ўзбекистонда бозор муносабатлари ривожига 1922-1924 йиллардаги пул ислоҳоти маълум даражада ёрдам берган, лекин иқтисодий марказлаштириш сиёсати оқибатида, қишлоқ хўжалигида товар танқислиги, нарх-навонинг ошиши, рубль курсининг ўзгариб туриши қабилар деҳқонлар қатлами норозилигига сабаб бўлганлиги каби хулосалардан Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг «Олтин воҳа» теледастури эшиттиришини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 8 сентябрдаги 04-15/2375-сон маълумотномаси). Натижада, кенг жамоатчиликка 1920-30- йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган пул ислоҳотлари билан боғлиқ ҳолис билимлар беришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 19 та илмий-амалий анжуманлар ва конференцияларда, шу жумладан, 2 та халқаро конференциялар (Россия) ва 17 та республика конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш эълон қилинган. Шундан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатида 19 та мақола, жумладан, 18 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 147 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий натижалар ва амалий аҳамияти баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши ва апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Совет ҳокимиятининг 1917-1940 йиллардаги молия-пул сиёсати ва унинг ТАССР, БХСР, ХХСР ва ЎзССР иқтисодий-ижтимоий ҳаётига жорий этилиши**» деб номланган биринчи бобида совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида молия сиёсатининг Туркистон АССР, БХСР ва ХХСР молия тизимида қўлланилиши, 1922-1924 йилларда совет давлатида амалга оширилган пул ислоҳоти ва унинг амалиёти, аҳоли ижтимоий ҳаётига совет молиявий тизимининг таъсири очиб берилган.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида сиёсий вазият иқтисодий соҳани тўла издан чиқариб, молиявий ва пул муомаласининг инкирозига сабаб бўлди. Бу эса ўз ўрнида пул ислоҳоти заруриятини келтириб чиқарди. Совет давлатида пул ислоҳотини ўтказиш ҳақида биринчи марта 1918 йил май ойида Россия молиячиларининг биринчи съездида фикр билдирилади. Аммо Россияда бошланган фуқаролар уруши туфайли пул ислоҳоти амалга ошмай қолди. Совет давлати Муваққат ҳукумат томонидан чиқарилган Николай подшо пул белгилари, яъни «керенка»лар ўрнига янги совет пул белгиларини ишлаб чиқарди. Уруш туфайли уларни тўла алмаштириш имкони бўлмаса-да, совет пули «совзнаклар», «керенка»лар билан бирга бутун мамлакат ҳудудида тенг қўлланилди¹. Туркистонда ҳам совет пуллари тарқатилди.

Туркистон ҳукумати молиявий маблағларни жамлашда режасиз, иқтисодий қонуниятларга амал қилмаган ҳолда иш олиб борди. Бу эса давлатнинг молия соҳасида ягона тизим ишлаб чиқилмаганлигидан далолат беради. Ҳукумат имкон қадар молиявий маблағларни кўпайтиришга ҳаракат қилиб, пул маблағларини хусусий шахслар мулкани национализация қилиш эвазига кўпайтириш йўлини тутди. Туркистонда 1918 йили «Владимир Алексеев» саноат ва савдо ширкати, Мурғобдаги подшо ерлари, нефть ва тошкўмир саноати корхоналари, ўлкадаги барча типография ва литографиялар, Фарғона темир йўли давлат ихтиёрига ўтказилди².

1918 йил 19 февралда Туркистон Халқ Комиссарлари Кенгаши «туркбон» пулларини чиқариш ҳақида қарор қабул қилди. Туркбонлар 1918 йилнинг апрелидан бошлаб чиқарилди. Туркбонларни тайёрлашда чой қоғозлари, «палов» таомида ишлатиладиган зарчува бўёғи ҳамда уйнинг томларини бўйайдиган бўёқлардан фойдаланилди. Пул қоғозлари сифатсиз тайёрланаётганлиги сабабли тезда ишдан чиқди. Масалан, Туркистонда «совзнак» пулларини туркбонларга алмаштириладиганда уларнинг 13,5 фоизи умуман яроқсиз ҳолга келганлиги туфайли муомаладан чиқарилди³. Туркистон Республикаси ҳукумати қанчалик ҳаракат қилмасин, ўлкада кечаётган пул танқислигини тугатишга қодир эмас эди.

1919 йил январга нисбатан 1920 йил июнда «туркбон»лар миқдори 25 мартага, Тошкентда нарх-наво 78 мартага ортди. Демак, пул миқдорининг ўсишига нисбатан нархлар ошиши бир неча марта юқори бўлди. 1914 йили 1 кг қўй гўшти Тошкентда 12 рубль бўлса, 1921 йили 625 рублга кўтарилди⁴. Бу кўрсаткичлар аҳолининг турмуш шароити кундан-кунга ёмонлашиб борганлигини кўрсатади.

БХСРда пул муомаласи ўзига хос тарзда йўлга қўйилди. Бухорода совет ҳокимияти ўрнатилганлигига қадар пул бирликларининг 14 тури қўлланилса-да, муомалада, асосан икки хил металл пуллар ишлатилди⁵. Биринчиси, олий

¹ Щелоков А.А. Монеты СССР. – М.: Финансы и статистика, 1989. – С. 10.

² Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Туркистане // Сборник документов. – Ташкент: Уз Гиз, 1947. – С. 169-185.

³ Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА), Р-37-фонд, 1-рўйхат, 175-иш, 24-варақ.

⁴ Ўз МА, Р-18-фонд, 2-рўйхат, 49-иш, 123-варақ.

⁵ Ўз МА, Р-37-фонд, 1-рўйхат, 233-иш, 1-7-варақлар.

пробали «тилла», иккинчиси кумуш «тангалар» эди. Халқ оммаси орасида айниқса, «тангалар» кўп ишлатилди¹.

Бухоро Республикаси ҳукумати 1922 йилнинг 1 январидан матбаа усулида қоғоз пул чиқарди ва улар «танга» деб юритилди. Уларнинг нархи 270 минг червонецга тенглаштирилган бўлса-да, пул қадрсизланиш жараёнининг кучайиши туфайли шу йилнинг апрелига келиб «танга» курси ноябрда 850 минг червонецга кўтарилди. 1922 йил декабрдан Бухорода 1000, 2500, 5000 сўмлик қоғоз пуллар муомалага чиқарилиб, улар «сўм» деб аталди².

ХХСРда совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Хива хони зарбхонасида зарб этилган «тилла», «пухта тилла», «кумуш танга», «пул», «фулус» деб номланган мис чақалар ҳамда Россия кредит билетлари ва кумуши муомалада бўлди. 1919 йилдан Хивада янги мис тангалар, ипак ва қоғоз пуллар чиқарилиб, ипак пуллар қиймати 1921 йил 2000 рублга чиқди³. Аммо Хоразм республикасининг янги пуллари бозорда етарли даражада кадр топмади.

1922 йил 11 октябрда РСФСР ХКС томонидан давлат банкига «червонец» пуллари чиқариш ҳуқуқи берилди. Бир червонец олтин пул 7,7 грамм тоза олтинга тенглаштирилди. Янги пул бирлиги «целковой» ва «червонец» деб номланди. «Целковой» сўзи рус халқи орасида бир рубль маъносида азалдан ишлатилиб келинган. Россияда «червонец» деб хорижий валюталарга нисбатан ишлатилган⁴.

1922-1924 йилларда совет давлатининг пул ислоҳоти икки марта деноминация (пул қийматини ўзгартириш) шаклида амалга оширилди. Биринчи деноминация РСФСР ХКСнинг 1921 йил 3 ноябрдаги декретига мувофиқ ва 1922 йил 11 октябрда пул қийматини ўзгартириш орқали амалга оширилди. Пулларнинг номиналлари пасайтирилди. 1922 йили 10 минг рублликлар 1 рублга алмаштирилди. Иккинчи марта 1923 йили 1922 йилги 100 рублликлар 1 рублга алмаштирилди⁵.

Совет ҳукумати томонидан Ўрта Осиё республикаларида ягона пул тизимига ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар олиб борилиб, бу жараёнлар 1923 йилдан бошлаб юборилди. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг 1923 йил 17 апрель йиғилиши қарори билан Бухорода пул эмиссияси жорий йилнинг 1 майида тўхтатилди⁶. Аммо бу кўрилган тадбирларга қарамай Бухоро ва Хоразм пуллари тўла муомаладан чиқиб кетмади. Совзнаклар билан бирга Бухоронинг кумуш ва олтин тангалари, чегара худудларда чет эл валюталари ҳам сақланиб қолди.

1923 йил 1 январда муомаладаги 97 фоиз пуллар совзнак ҳиссасига тўғри келса, 3 фоизи червонецларга тўғри келди. Червонецлар дастлаб бир

¹ Ўз МА, Р-9-фонд, 1-рўйхат, 3219-иш, 10-варақ.

² Бухоро ахбори. – 1922, 10 декабрь. – №116.

³ Ўз МА, Р-9-фонд, 1-рўйхат, 3219-иш, 11-варақ.

⁴ Щелоков А.А. Монеты СССР. – С. 21.

⁵ Денежное обращение и кредит СССР. Под ред. проф. А.Я. Ротлейдера. – М.: Финансы и статистика, 1985. – С. 62.

⁶ Ўз МА, Р-20-фонд, 1-рўйхат, 251-иш, 457-варақнинг орқаси.

маромда чиқарилган бўлса, шу йилнинг август-сентябрь ойларида пул эмиссияси кўпайтирилди.

Совзнакларнинг қадрсизланишидан, айниқса, қишлоқ аҳолиси жиддий зарар кўрди. Чунки червонецлар қишлоқларгача етиб келмаган эди. Шаҳар аҳолиси червонецларни кўпроқ ўз қўлларида тутиб туришга ҳаракат қилди. Қишлоқда товар айланиши жуда суст бўлиб, деҳқонларнинг қўлларидаги совзнакларни алмаштириб бериш юзасидан тадбирлар олиб борилмади. Натижада қишлоқ аҳолиси ўзларига керакли саноат маҳсулотларини харид қила олмадилар. Шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги иқтисодий алоқаларга дарз кетди.

1924 йил 15 февралда совзнакларни чиқариш тўхтатилиб, ўрнига давлат хазина билетлари чиқарилди. 1 доллар 1,9 рублга тенг бўлди. Жорий йилнинг 7 мартада совзнакларнинг тўла муомаладан чиқарилиши эълон қилинди¹.

1924 йил 4 майда совет ҳукумати Молия Халқ Комиссарлиги Ленинград зарбхонасига 1, 2, 3, 4, 5 тийинлик тангаларни зарб этиш бўйича кўрсатма берди. Янги тангалар ҳажми бўйича енгил, ўлчами кичик ва олтин ранг бўлиши лозимлиги талаб этилди. Мутахассислар Германия, Латвия, Литва ва Эстония каби давлатларнинг тангаларининг таркибини ўрганиб чиқди².

Совет молия сиёсати ўз ўрнида аҳоли ижтимоий ҳаётининг ёмонлашувига кучли таъсир кўрсатди. Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларида пул муомаласининг издан чиқиши аҳоли учун жуда оғир ва мураккаб шароитларни юзага келтирди. Пахтанинг нархи тушиб, ғалланинг баҳоси эса қимматлашди. Пахта нархининг тушиши аҳоли турмуш шароитини оғирлаштирди. 1917 йил ва 1920 йилларда ўтказилган қишлоқ хўжалиги рўйхати маълумотларида таъкидланишича, Туркистоннинг Сирдарё, Самарқанд, Фарғона вилоятларидаги деҳқон хонадонининг 24,8 фоизи иш ҳайвонига эга бўлмади³.

Совет ҳокимияти даврида солиқ йиғимлари миқдорининг аҳоли жон бошига тўғри келиш кўрсаткичи йилдан-йилга кўтарилиб борди. Масалан, 1913 йил аҳоли жон бошига шаҳарда 4 рубль 53 копеек, 1924 йили 8 рубль 45 копеек солиқ йиғилди⁴. Иш ҳақлари ҳам натура шаклида тўланиб, ишчи ва хизматчиларга деярли пул билан маош тўланмади. Совет давлатида 1918 йил 28 фоиз иш ҳақлари натура шаклда бўлса, бу рақам 1921 йили 93 фоиз бўлди⁵.

Ўзбекистон ССР ташкил топганда унинг аҳолиси 3963,3 минг киши бўлиб, ижтимоий гуруҳлар дифференциацияси ва мулкый табақаланишида жиддий ўзгаришлар юз берди. Ислоҳот арафасида қишлоқдаги камбағаллар Ўзбекистондаги барча деҳқонларнинг 76 фоизини ташкил этган бўлса, 1928 йилга келиб 43 фоизга қисқарди. Бу даврда ҳам меҳнатга ҳақ тўлаш жуда

¹ Денежное обращение и кредит СССР. – М., 1985. – С. 66.

² Глейзер И.М. Первые бронзовые монеты СССР // История СССР. – 1974. – №3. – С. 165.

³ Материалы всероссийских сельскохозяйственных переписей. – 1917 и 1920, вып. 2. – С. 26; вып. 3. – 70. – Самарканд, 1925.

⁴ Ўз МА, Р-95-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, 5-6-варақлар.

⁵ Дьяченко В.П. История финансов СССР. – М., 1978. – С.52.

паст даражада эди. 1926-1927 хўжалик йилида мавсумий мардикор 255 сўм 21 тийин ҳақ олди¹.

1929-1930 хўжалик йилида халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида пул маблағларининг етишмаслиги оқибатида аҳвол анча оғирлашди. Иттифок нон бозоридаги танқислик ўз ўрнида Ўрта Осиё нон бозорига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Жорий йилнинг апрелида бу маҳсулот нархи тез кўтарилди. Аҳолига гўшт ва мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб беришда ҳам қийинчиликлар келиб чиқди². Саноат маҳсулотлари бозорида ҳам инқирозли ҳолатлар кузатилади. Халқ истеъмоллар молларининг ассортименти бир хил бўлиб, аҳолига керакли товарлар йўқ эди.

Хуллас, совет давлатида амалга оширилган пул ислохотлари ва унинг аҳоли ижтимоий ҳаётига таъсирини ўрганиш натижасида шу нарса аниқландики, биринчидан, бунда совет ҳукумати манфаатларига мувофиқлаштирилиб, оддий халқ эҳтиёжи ҳисобга олинмади. Бу йиллардаги пул ислохотлари деноминация характерда бўлиб, муомалада аниқ бир пул бирлигини қўллашга эришилмади. Муомалада турли пул birlikларининг қўлланилиши иқтисодий тангликни кучайтирди. Бозорда маҳаллий айирбошлаш, натура етакчилик қилиб, қадрсиз пулнинг роли пасайиб борди.

Диссертациянинг «**Иккинчи жаҳон уруши йиллари ҳамда урушдан кейинги даврда совет давлати молия тизимидаги ўзгаришларнинг Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида акс этиши**» деб номланган иккинчи боби уруш йиллари молиявий ҳаётнинг издан чиқиши ва Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳволи, совет давлатининг 1947 йили ўтказган пул ислохоти ва унинг аҳоли турмушига таъсири масалаларига бағишланган.

Уруш давлат бюджетининг тўпланиши ва тақсимланишига жиддий таъсир этди. Маҳаллий бюджетларнинг харажат қисми балансини ушлаб туриш учун 1941 йилда Ўзбекистон ССР бюджетидан маҳаллий бюджетларга бериладиган ажратмалар суммаси камайтирилди. Молиявий ҳолат турли усуллар билан бюджет тушумларини кўпайтириш ҳамда ҳарбий соҳа билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлмаган йўналишларга маблағ ажратишни камайтиришни талаб этди. Ойлик маошларидан иқтисод қилиш мақсадида ташкилот, муассаса ва корхоналарда баъзи штат birlikлари тугатилди. Республикада 501 штат birlikгига эга 29 та ташкилот ва муассасалар тугатилди³.

Ҳарбий харажатлар давлат бюджети даромадларининг қисқаришига сабаб бўлди ва кўпчилик саноат корхоналари ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтказилиши билан даромад солиғидан озод этилди. Аксинча, аҳолидан тушадиган давлат даромадлари кўпайиб, жорий йилларга тааллуқли равишда бу 23,2 фоиздан 50,6 фоизга кўтарилди⁴.

¹ Джамалов О.Б. Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1950. – С. 35.

² Ўз МА, Р-1680-фонд, 4-рўйхат, 26-иш, 83-варақ.

³ Ўз МА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3521-иш, 90-варақнинг орқаси.

⁴ Сабиров Х.Р. Из истории государственных финансов Узбекистана. – Ташкент: Наука, 1966. – С. 183-184.

Уруш йиллари давлат бюджетининг харажат қисмининг таҳлили шуни кўрсатдики, иқтисоднинг саноат йўналишидан ташқари деярли барча соҳаларига ажратилган маблағлар камайган. 1941-1945 йилларда давлат бюджетининг 4,6 фоизи қишлоқ хўжалигига, 7,8 фоиз уй-жой қурилишига ажратилди¹. Баъзи деҳқончилик экинлари етиштириш ишларида орқага кетиш ҳам кузатилади. Масалан, боғдорчилик экинларини экиш кескин камайди. 1945 йили 1940 йилга нисбатан ҳўл мева етиштириш 3 бараварга камайди². Баъзи ҳолларда совет ҳукумати қишлоқ хўжалиги бўйича режага киритилган топшириқларни бажариш учун аҳолининг ёрдамчи хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни мажбуран тортиб олиш ишларини ҳам амалга оширди. Бу эса ўз ўрнида аҳоли моддий турмуш шароитига жиддий таъсир кўрсатди.

Уруш йиллари совет ҳукуматининг молия соҳасида олиб борган сиёсати ўз ўрнида аҳоли ижтимоий ҳаётига салбий таъсир кўрсатди. Барча ишлар уруш талаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил этилиб, 1941 йил 26 июндан мамлакатда ишчи ва хизматчилар учун ишдан ташқари вақтда мажбурий ишлаб бериш жорий этилди ва катта ёшдагилар учун иш куни олти кунлик иш ҳафтасидан 11 соатгача узайтирилди. Меҳнат таътиллари бекор қилинди.

Аёллар, қариялар ва болалар меҳнатидан кенг фойдаланилди. Мактаб ўқувчилари завод ва фабрикалар, қишлоқ хўжалиги ишларига кенг жалб этилди. 1940 йил саноат ишчилари орасида хотин-қизлар салмоғи 34,0 фоиздан 1942 йили 63,5 фоизга ортди³.

Пул муомаласида жиддий тақчиллик келиб чиқди. 1940 йили давлат билан аҳоли ўртасида тўлов оборотида жами пул массасининг 29 фозидан фойдаланилган бўлса, 1944 йилга келиб, бу 12 фоизни ташкил қилди. Аҳоли кўлида нақд пул маблағлари йўқлиги сабабли чакана савдо айланмаси йилдан-йилга камайиб борди. Уруш йиллари Ўзбекистонда мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан чакана савдо товар айланмаси кескин қисқарди. Масалан, 1945 йили Ўзбекистонда аҳолига пахта матосининг сотилиш ҳажми 1940 йилга нисбатан 2 мартага камайди⁴. Шунингдек, шу йиллари кондитер маҳсулотлари, чой, шакар, нон ва нон маҳсулотлари савдоси ҳам қисқарди.

Аҳолига карточка бўйича тарқатилаётган озиқ-овқат ва саноат моллари эҳтиёжни қондирмади. Шунга мувофиқ, улар ўзларига керакли маҳсулотни «эркин» бозордан қимматига харид қилишга мажбур бўлди. Уруш шароитида «эркин» (колхоз) бозор ролининг ортиши «қора» бозорнинг ривожланишига имкон яратди⁵.

¹ Социально-экономическое развитие Узбекистана за годы Советской власти. – Ташкент: Узбекистан, 1984. – С 41.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. 2 жилд. – Тошкент, 2000. – Б.448.

³ Изменение классово́й структуры общества в Узбекистане за годы советской власти. – Ташкент, 1984. – С. 80.

⁴ Ўз МА, Р-1619-фонд, 9-рўйхат, 236-иш, 50-варақ.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат Бошқарув Академияси қошидаги «Ўзбекистоннинг энг янги тарихи» марказига Россия Федерациясидан олиб келинган архив материаллари: РГАЭ, 7733-фонд, 36-рўйхат, 1574-иш, 80-варақ.

Совет давлатида пул ислохотини ўтказиш жараёни уруш йилларидаёқ яширин равишда бошлаб юборилди. 1944 йил якунида нақд пул маблағини камайтиришга ва давлат бозор фондларини кўпайтиришга йўналтирилган пул ислохоти ўтказилишига тайёргарлик бошланди.

Совет давлатида урушдан кейин амалга оширилган пул ислохоти ҳам Европа давлатлари пул ислохотидан деярли фарқ қилмади. Бу даврда амалга оширилган пул ислохотлари конфискацион (мусодара) характериға эға бўлди. Яъни бу ислохотлар, асосан, оддий халқнинг зарарига ёки уларни талаш эвазига ўтказилди. Шунингдек, пул ислохоти Чехославакияда (1945 йил октябрь), Венгрияда (1946 йил август), Болгарияда (1947 йил март), Руминияда (1947 йил август), Германияда (1948 йил 21 июнь) амалга оширилди¹.

Совет давлатида аҳоли бундай ислохотға тайёр эмас эди. 1947 йил 14 декабрда СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) МКнинг «Пул ислохотини ўтказиш ва озиқ-овқат ҳамда саноат молларига карточка тизимини бекор қилиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди². Халқ истеъмолчи товарлари нархи кўтарилди, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақларида пасайиш кузатилиб, пул ислохотининг оғирлиги аҳоли зиммасига тушди.

Пул ислохоти хабари савдо ҳажмининг ошишиға сабаб бўлди. Масалан, 1947 йил 12 декабрда Савдо министрлиги давлат манфаатларидан келиб чиқиб, баъзи маҳсулотларни сотиш лимитини камайтириш ҳақида кўрсатма берса-да, аммо Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудларида 14-15 декабрь кунлари ароқ-вино ва тамаки маҳсулотлари савдоси ниҳоятда кўтарилган³.

Пул ислохоти тўғрисидаги қарорда ишчи ва хизматчиларнинг маошлари, нафақа ва стипендиялар миқдори оширилиши, ислохотлар жараёни аҳоли турмуш даражасига таъсир этмаслиги ҳақида гапирилса-да, амалда эса бошқача бўлди. Масалан, Ўзбекистонда ислохотдан кейинги йилларда турли кексалик нафақаларини тўлаш ишлари бир текис олиб борилмади⁴.

Хуллас, совет давлати 1947 йили амалга оширилган пул ислохотига узок йиллар тайёргарлик кўрди. Бу пул ислохоти 1922-1924 йилларда ўтказилган пул ислохотидан, аввало, қисқа муддатда амалга оширилганлиги билан ажралиб турди. Пул ислохоти Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий ҳаётиға ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Бу, аввало, ижтимоий соға учун маблағ ажратиш, меҳнатға ҳақ тўлаш, аҳолини тураржой билан таъминлаш жараёнида кўзға ташланди.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон ижтимоий ҳаётиға 1961 йилда амалга оширилган совет пул ислохотининг ўрни ва унинг натижалари**» деб номланган учинчи бобида 1961 йилда амалга оширилган совет пул ислохотининг моҳияти, Ўзбекистон аҳолиси ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар таҳлил этилган.

¹ Эйдельмант А. Особенности денежных реформ после второй мировой войны // Советские финансы. – 1947. – №6.

² Постановление Совета Министров СССР и ЦК ВКП (б) «О проведении денежной реформы и отмене карточек на продовольственные и промышленные товары». – Челябинск: ОГИЗ-Челябгиз, 1947. – С.1.

³ Ўз МА, Р-837-фонд, 33-рўйхат, 3003-иш, 34-варақ.

⁴ Ўз МА, Р-1619-фонд, 3-рўйхат, 521-иш, 44-64-варақлар.

Совет даврида турли соҳаларни молиялаштириш, давлат солиқларини белгилашда ҳам тизимлаштирилган ҳолда сиёсат олиб борилмаганлиги оқибатида пул муомаласида кўп муаммолар келиб чиқди. Ҳукумат эса молиявий инқирозларини бартараф этиш учун пул ислоҳотини тез-тез ўтказишга мажбур бўлди.

Давлат маблағларини тақсимлаш ва сарфлашда пала-партиш иш олиб борилди. Масалан, 1958 йили Ўзбекистонда иш ҳақи жамғармасидан 65 млн. рубль ортиқча сарф қилинган¹. Республика иқтисодиётининг турли тармоқларига

сарфланаётган маблағларни иқтисод қилиш тадбирлари деярли самара бермади. Ўзбекистонда 1960 йил режа бўйича қурилиш таннархини 6,44 фоизга камайтириш мўлжалланган бўлса, ҳақиқатда шу йилнинг 9 ойи мобайнида бу 5,79 фоиз бўлди. Қурилиш ишлари 8,1 млн. рублга қимматлашган².

